

## ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР- ҲАЛҚИМИЗНИНГ ТАБИЙ БОЙЛИГИДИР

### Сафар Менгликулович Аликулов

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим,  
[safaruzripi@mail.ru](mailto:safaruzripi@mail.ru)

### Илхом Махмудович Расулов

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти  
Доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехникаси  
бўлими мудири  
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент,  
[i.rasulov1959@mail.ru](mailto:i.rasulov1959@mail.ru)

### Файзулла Хабибуллаевич Абдуллаев

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,  
[f\\_abdullaev@yahoo.com](mailto:f_abdullaev@yahoo.com)

### Хасанбой Юсупахматович Назарметов

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти  
Доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехникаси  
бўлими лаборанти,  
[nazarmetovhasan2@gmail.com](mailto:nazarmetovhasan2@gmail.com)

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида доривор ўсимликлар бўйича олиб борилаётган изланишлар тўғрисида маълумотлар келтирилади. Институтда ташкил этилган Доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехникаси бўлимида доривор ўсимликларнинг коллекциясини яратиш, уларни ўрганиш, истиқболли шаклларни селекция жараёнига жалб этиш, бирламчи уруғчилиги ва кўчатчилигини ташкил этиш ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. Хозирги кунда доривор лимонўт (*Melissa officinalis* L.), доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.), доривор мойчечак (*Matricaria*

chfmomilla L.), доривор ўрмон тугмачагули (*Malva neglecta* Wallr.), ангелика (*Angelica ternata* Regel & Schmalh.), валериана экстра (*Valeriana officinalis* L.), доривор василек (*Centaurea jacea* L.) ўсимлик турларининг морфобиологик ва ҳўжалик белги ва хусусиятлари ўрганилмоқда. Изланишлар давомида истиқболли шакллар ажратиб олинади, кўпайтириш усуллари ва етиштириш агротехнологиясининг асосий элементлари ишлаб чиқилади.

**Калит сўзлар:** доривор ўсимликлар, коллекция, ўрганиш, истиқболли шакллар, бирламчи манба, бирламчи уруғчилик, кўчатчилик, етиштириш агротехнологияси.

### ABSTRACT

The article was given a information about ongoing research on medicinal plants at the Research Institute of Plant Genetic Resources. The Department of Breeding, Seed Production and Agrotechnics of Medicinal Plants, organized at the Institute, conducts research on the creation of collections of medicinal plants, their study, the selection of promising forms in the breeding process, the organization of primary seed production and nursery farming, as well as the development of agricultural cultivation technology. Currently, morphobiological and economic characteristics and properties of medicinal plants are being studied, such as: *Melissa officinalis* L., *Calendula officinalis* L., *Matricaria chfmomilla* L., *Malva neglecta* Wallr., *Angelica ternata* Regel & Schmalh., *Valeriana officinalis* L., *Centaurea jacea* L. During the research period, promising forms will be identified, breeding methods and cultivation technologies will be developed.

**Keywords:** medicinal plants, collection, study, promising forms, source material, primary seed production, nursery, cultivation agrotechnology.

### КИРИШ

Ўзбекистон маданий ўсимликларнинг энг муҳим келиб чиқиш марказларидан бўлган Ўрта Осиё марказида жойлашган. Бу ерда маданий ва ёввойи ҳолда ўсuvчи ўсимликларнинг 4,3 мингдан зиёд турлари мавжуд. Улар орасида доривор ўсимликлар алоҳида ўрин тутди ва шулардан 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда.

Доривор ўсимликлар республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан чўл, водий, тоғ ва тоғолди зоналари учрайди. Улар ўзлари тарқалган ҳуддуларнинг тупроқ-иқлим

шароитларига яхши мослашганлиги ва улар орасида курғоқчиликка, иссиққа, тупроқ шўрига ва бошқа стресс омилларига чидамли турлари ва шакллари жуда кўп.

Доривор ўсимликлар ҳалқ томонидан минг йиллар давомида доривор сифатида фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда ўсимликлардан тайёрланган шифобахш махсулотларга бўлган талаб кескин ошиб кетди. Уларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш, мавжуд ўсимлик ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда ҳалқни доривор ўсимликлар махсулотлари билан тўла таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Хом-ашёни йиғишда нафақат доривор ўсимликлар турларининг тарқалиш ареалини аниқлаш, уларнинг захиралари ва маҳсулдорлиги, балки ўрим-йиғим ва қуритиш, кейин ўсимликларнинг табиий ҳолатини тиклаш, қобилятини ҳам ўрганиш талаб этилади. Ушбу хусусиятлар тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги ва энг муҳими, йиғим-терим ишларининг ёмон ташкил этилиши, кўпинча бир неча йиллик ишдан сўнг, аввалги доривор ўсимликлар ўсадиган худудлар сезиларли ёки тўлиқ қуриб кетишига олиб келади. Бу муаммоларни тизимли ҳал қилиш қарорда ўз аксини топган. Фундаментал фаннинг ютуқларига асосланган ҳолда шифобахш ўсимликларни оқилона комплекс ўрганиш ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш тизимларининг асоси ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикада сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш Маркази Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси бўлими ташкил қилинди. Бунда, мазкур бўлимга доривор ўсимликларни етиштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий

тадқиқотлар олиб бориш ҳамда агрокимёкартограммалар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ ВА УСЛУБЛАРИ**

Тадқиқотлар учун дастлабки манба сифатида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари Миллий Генбанкида сақланаётган 24 турга мансуб доривор ўсимликлар коллекция намуналари хизмат қилди.

Ўрганилган доривор ўсимликлар қиёсий морфология услублар, фенологик кузатувлар, қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари бўйича баҳолаш, лаборатория ва статистик таҳлиллари асосида тадқиқотлар амалга оширилди.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Республиканинг деярли барча ҳудудларида доривор ўсимликлар кенг тарқалган. Лекин уларнинг таркиби, мажмуиси ва дори сифатида фойдаланиш йўналишлари турличадир. Доривор ўсимликлар коллекцияларини ташкил этиш ва уни бойитиш мақсадида республика ҳудудлари бўйича доривор ўсимликларнинг ареалини аниқлаш, истиқболли ва ноёб шакллари йиғиш ҳамда уларни коллекцияларига жалб этиш ишлари амалга ошириш учун хизмат сафарлари ва илмий экспедициялар ташкил этиш, доривор ўсимликлар коллекция намуналарини комплекс ўрганиш асосида таркибида юқори миқдорда бўлган биологик фаол моддаларга эга намуна ва шакллар танлаб олиш истиқболли намуналар танлаб олиш, ва уларни селекция жараёнига жалб этиш натижасида янги навлар яратиш, бирламчи уруғчилиги ва кўчатчилигини ташкил этиш ҳамда етиштириш агротехнологияларининг асослари ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир. Юқорида қайд этилган долзарб вазифаларни ҳал этиш асосида республика фармацевтика ва тиббиёт соҳаларида фойдаланиш учун доривор ўсимликлардан таёрланадиган махсулотларни ишлаб чиқариш учун хом ашё базасини яратиш, фармацевтика ва тиббиёт соҳаларида фойдаланиш учун республиканинг ички ва ташқи бозорини доривор ўсимликлар махсулотлари билан тўла таъминлаш учун замин яратилади ва республиканинг экспорт салоҳияти ошади.

Доривор ўсимликлардан ҳалқ табобатитда минг йиллар давомида фойдаланиб келинмоқда. Бу соҳада доривор ўсимликлардан кенг фойдаланиш дунёнинг барча

мамлакатларида кузатилади, аниқса Шарқ табобати алоҳида ахамият касб этади. Сўнги йилларда дунёнинг етакчи мамлакатларнинг фармацевтика саноати айнан доривор ўсимликлардан фойдаланишга йўналтирилмоқда.

Доривор ўсимликларнинг селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологиялари бўйича фаолият олиб борувчи ягона илмий ташкилот Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ҳисобланади. Институтда ташкил қилинган Доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси бўлимида доривор ўсимликларнинг коллекциясини яратиш, сақлаш, ҳар томонлама ўрганиш асосида истиқболли шакллари ажратиб олиш ва уларни селекция жараёнига жалб этиш, бирламчи уруғчилиги ва кўчатчилиги ҳамда етиштириш агротехнологиялари асосларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда доривор ўсимликларнинг мажмуисини бойитиш, таркибида юқори биологик фаол моддаларига бой бўлган нав ва шакллари излаш, танлаш ва коллекциялари бойитиш долзарб ҳисобланади.

Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳозирги кунда бўлимда 25 турга мансуб доривор ўсимликлар коллекцияси шакллантириди: жумладан: доривор лимонўт (*Melissa officinalis* L.), доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.), ангелика (*Angelica ternata* Regel va Schmalh.), ўрмон тугмачагули (*Malva sylvestris* L.), валериана экстра (*Valeriana officinalis* L.), годжи (*Licium barbarum* L.), доривор мойчечак (*Matricaria chfmomilla* L.), доривор василек (*Centaurea jacea* L.), райхон (*Ocimum basilicum* L.), ялпиз (*Mentha spicata* L.), оддий печак (*Hedera helix* L.), фитолакка (*Phytolacca Tourn. ex* L.), хантал (*Brassica juncea* (L.) Czern.), гулхайри (*Althaea armeniaca* Ten.), марена (*Rubia tinctorum* L.), годжи (*Licium barbarum* L.), далачой (*Hypericum perforatum* L.), ғозпанжа (*Potentilla erecta* (L.) Raeusch.), бўригул (*Vinca erecta* Regel & Schmalh.), оддий мавтак (*Salvia sclarea* L.), сариқ андиз (*Inula helenium* L.).

Бўлимда доривор лимонўт (*Melissa officinalis* L.), доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.), доривор мойчечак (*Matricaria chfmomilla* L.), ўрмон тугмачагули (*Malva sylvestris* L.), ангелика (*Angelica ternata* Regel & Schmalh.), валериана экстра (*Valeriana officinalis* L.), доривор василек (*Centaurea jacea* L.) ўсимлик турларининг морфобиологик ва хўжалик белги ва хусусиятлари ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Изланишлар давомида истиқболли шакллар ажратиб олинади, кўпайтириш усуллари ва етиштириш агротехнологиясининг асосий элементлари ишлаб чиқилади.

Шу билан бир қаторда институтнинг Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Узун участкасида доривор лимонўт

(*Melissa officinalis* L.), доривор любисток (*Levisticum officinalis* L.), оддий тоғжамбил (*Thymus vulgaris* L.), райхон (*Ocimum basilicum* L.), олтин илдиз (*Rhodiola rosea* L.), доривор валириана (*Valeriana officinalis* L.), оддий тоғрайхон (*Origanum vulgare* L.), оддий бодом (*Amygdalus communis* L.) бўйича изланишлар бошланган ва бирламчи танлов ишлари олиб борилмоқда.

Бўлим томонидан доривор ўсимликлари намуналари таркибидаги биологик фаол моддалар миқдорини аниқлаш ва селекция учун истиқболли бирламчи манбалар ажратиб олиш бўйича изланишлар олиб бориш режалаштирилган. Институтда яратилган селекция дастурлари асосида янги навлар яратиш бўйича танлов ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Тадқиқотлар давомида истиқболли намуналарнинг бирламчи уруғчилиги ташкил этиш ва уларни етиштириш агротехнологияларнинг асослари (экиш муддати, схемаси, озиклантириш, суғориш, дори учун зарур бўлган ўсимлик қисмларининг (гули, барги, пояси, илдизи ва хокозо) йиғиштириб олиш муддатлари) ишлаб чиқилади.

## ХУЛОСА

Бўлим олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун республика ҳудудларида илмий экспедициялар ва хизмат сафарлари ташкил этиш, уларнинг ҳудудлар бўйича ареалини аниқлаш лозим. Ушбу ҳудудларида ҳар бир доривор ўсимлик турларининг зарур бўлган ўсимлик қисмларидаги биологик фаол моддаларини тўплашини аниқлаш асосида миқдори юқори бўлган шаклларини излаш, лаборатория шароитларида чуқур биокимёвий таҳлиллар олиб бориш даркор. Бу ўз ўринда илмий ходимлар ва техник ходимларнинг юқори малака ва билимларни эга бўлишини талаб этилади. Худди шундай селекция жараёни учун бирламчи материалларни коллекциялар ичидан ажратиб олиш ҳам кенг миқёсда физиологик ва биокимёвий таҳлилларни амалга ошириш керак.

## REFERENCES

1. Ашурметов О.А., Тўхтаев Б.Е. Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи, муаммолари ва истиқболлари. // Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий конференция материаллари.- Хива: ХМА, 2003.- Б. 12-15.
2. Бутков А.Я. Лекарственные растения. // Сырьевые ресурсы Узбекистана для местной промышленности: Сб. науч. тр.- Ташкент, 1942.- ИБ АН УзССР.- Т. 2.- Вып. 1.- С. 70-73.

3. Ёрматова Д. Зайтун етиштириш. // Тошкент: Фан ва технологиялар Марказининг босмахонаси, 2010.- Б. 47.
4. Закиров П.К., Мясникова Л. Лекарственные растения тугаев Узбекистана и перспективы их использования. // Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР.- Ташкент: Фан, 1979.- С. 3-24.
5. Землинский С.Е. Лекарственные растения СССР.- М.: Медгиз, 1958.- 608 с.
6. Мурдахаев Ю.М., Гришевич Е.И., Азизова М.К., Сафаров Т. Рекомендации по агротехнике возделывания лекарственных растений (подорожника большого, фенхеля обыкновенного, пустырника пятилопастного, сафоры японской, диоскореи дельтовидной и диоскореи ниппонской) в поливных условиях Узбекистана. // Ташкент: Ташкентское областное правление НТО по сельскому хозяйству, 1984.- С. 28.
7. Самир Сайед Эль-Ганайни. Биология почечного чая (*Orthosiphon stamineus* Benth.) в условиях Ташкента: Дис. ... канд. биол. наук.- Ташкент: ИБ АН РУз.- 1995.- 22 с.
8. Кўзиев А.Ж. Силлик ширинмия- *Glycyrrhiza glabra* L. уруғидан кўчат етиштириш ва ўстиришининг биоэкологик асослари: Биол. фанлари номзоди... дисс. автореф.- Тошкент: АН РУз, 2000.- 23 б.